

АРУЗ ШЕЪРИЙ ТИЗИМИ — (арабча арз килмок ва ушбу шеърий тизим тадқикотчиси Ахмад ибн Халил тугилган водий номи) Якин ва Урта Шарк халклари орасида кенг таркалган шеърий тизим. Ушбу шеърий тизим туркий шеъриятга, хусусан, ўзбек адабиётига араб ва форслардан ўтган. Туркий ёзма адабиётнинг илк намуналари саналмиш «Кутадгу билиг», «Хибатул хакойик» каби асарларнинг аruz шеърий тизимида яратилганлиги диккатга сазовордир. Аруз XX аср бошларига кадар ўзбек шеъриятининг асосий шеърий шакли сифатида кўлланилиб келди. Аруз шеърий тизими бошка шеърий системалардан фаркли ўларок, мисралардаги бўгинларнинг сифат жихатдан мутаносиблигига асосланади. Яъни киска ва чўзик (баъзан ўта чўзик) бўгинлар, уларнинг бирикуви натижасида пайдо бўлган руқнлар мисралар таркибида муайян бир тартибда такрорланиб келади. Руқнлар ва уларнинг турли ўзгаришга учрашлари натижасида юзага келдиган фуруълар маълум таркибида бирикишидан баҳрлар ва уларнинг вазнлари пайдо бўлади. Ўзбек шеъриятида фаувлун, фоилун, мафоийлун, фоилотун, мустафъилун, мафъувлоту ва мутафоилун руқнлари ва уларнинг фуруълари кенг ишлатилган. Умуман, аруз тизимида 19 та баҳр мавжуд бўлиб, улардан 11 тасигина ўзбек шеъриятида кўлланилади. Булар мутакориб, мутадорик, хазаж, ражаз, рамал, комил, мужтасс, музореъ, хафиғ, мунсарих ва сариъ баҳрларидир.